

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ ТОРТИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Аллабергенов Муҳаммадали Русланбек ўғли
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси Магистранти

Аннотация: Мазкур мақолада рентабеллиги паст бўлган конларни хўжалик фаолиятига жалб қилиш соҳасида мавжуд бўлган муаммолар, табиий бойликлар учун солиқ ставкаларининг юқорили, мамлакатимизга хорижий инвесторларини жалб қилишда солиқларнинг роли ва табиий бойликларни ўзлаштириш бўйича жорий қилиниши лозим бўлган енгиликлар тўғрисида таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: ресурс солиғи, недра солиғи, бюджет, солиқ маъмурчилиги, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, репрезентатив солиқ ставкаси, ўртача ставка солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси. конлар, хорижий инвесторлар, геологик қидирув ишлари, ер қаъри, лицензия, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, BCG (Boston Consulting Group), IMF.

1. Кириш.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг асосий вазифаларидан бири геология-қидирув ишлари ҳажмини кескин ошириш, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш орқали юқори даражада кўшимча қиймат яратишдан иборат. Бугунги кунда фойдали қазилмаларининг турлари бўйича захира ва ресурсларни 20 тургача кўпайтириш ҳамда ривожлантириш дастурларига 2022 йилда 1 000,0 млрд.сўм, 2023 йилда 2 127,5 млрд.сўм ҳамда 2024 йилда 2 446,6 млрд.сўм маблағ ажратиш устувор вазифа қилиб белгиланган. Шунингдек, ер усти тоғ-кон геология қидирув ишлари ҳажмини 2022 йилда 280,9 минг метр кубга, 2023 йилда 385,0 минг метр кубга, 2024 йилда 407,0 минг метр кубга етказиш белгиланган¹.

2. Адабиётлар шарҳи.

Илмий адабиётларда ер ости бойликларини ҳисобга олишда турли хил ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Проф. Н.А. Сйродоев² фикирига кўра «ер қаъри» тушунчасига қуйидаги таърифни беради: «Ер қаъри деганда ер юзаси остида жойлашган табиий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-73-сон қарори.

² Н.А. Сйродоев Экономическая оценка естественных ресурсов. М.: Мысль. 1972 г

мухитнинг бир қисми, шунингдек, ер юзасига чиқадиган минераллар, элементлар ва жинслар тушунилиши керак». Бу таърифдан келиб чиқадики, ер қаъри текислик эмас, балки уч ўлчовли тушунчадир.

Рус иқтисодчиси³ С. Ю. Глазевнинг фикрича, “қазиб олиш саноати ривожланган ва бой табиий ресурсларга эга бўлган аксарият мамлакатлар меҳнат ва ишлаб чиқаришга паст солиқлар табиий ресурслардан фойдаланишдан олинган даромадлар ҳисобига ўрнатилган, корхоналарнинг инвестицион харажатларидан солиқлардан озод қилинган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари юқори эканлигини ҳамда табиий рента фойдали қазилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади ва ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ эмаслиги сабабли, у эгасига тегишли бўлиши керак.” деган.

Яна бир рус олимларидан бири Б. Д. Клюкин⁴ фикрига кўра “Одатда, бундай мулк қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган нархларда ёки бозор нархларида (адвалорем солиғи) белгиланган қиймат бўйича фойдали қазилмалар кони ва кон мулки шаклида тақдим этилади. Унинг схемасига қазиб олинган фойдали қазилмалар бирлиги учун солиқ (ишлаб чиқариш солиғи) ҳам, ер қаъридан фойдаланувчи фойда кўрган ва қазиб олинган фойдали қазилманинг таннархига таъсир қилган ҳолларда тўланадиган даромад солиғи (даромад солиғи) киради” деб таъкидлаган.

Я.Я.Юхимованинг⁵ (2008) фикрича қаттиқ турдаги (норуда) фойдали қазилмаларни солиққа тотишда ушбу фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ харажатлар инobatга олинмаганлиги баён қилинган.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида олинган маълумотларга ишлов беришда мантиқий мушоҳада, адабиётларни танқидий ўрганиш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, таққослаш, маълум белгилар асосида классификациялаш, иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган муҳим восита – бу давлат томонидан табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ турли хил тўловлардир.

Жахон амалиётида табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар тизимини бонуслар, ренталс, роялти ва солиқлар ташкил этади. Бонуслар – бир марталик тўлов бўлиб, давлат учун солиқлар каби унчалик муҳим молиявий ресурс бўлмасада, давлат бюджети даромадларини оширишнинг зарур

³ Глазев С. Ю. Оценки природной ренты и ее роль в экономике России. М.: ИНЭС. 2010.

⁴ Клюкин Б. Д. Горные отношения в странах Западной Европы и Америки (Англия, Канада, США, Франция, ФРГ). М.: Городец. 2010

⁵ Юхимова Я.Я (2008) “Налог на добычу полезных ископаемых и его реформирование” диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук 2008 г.

элементларидан бири ҳисобланади. Бонуслар ҳажми ҳар бир мамлакатнинг қонунчилиги билан белгиланиб, улар табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича келишувлар предмети бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам хўжалик юритувчи субъектлар табиий ресурслардан фойдаланиши жараёнида бонуслар тўлайди. Республикамиз қонунчилигига мувофиқ, бонуслар – бу битим тузилган вақтда ёки муайян натижага эришилгач битим шартларига мувофиқ белгиланган бир марталик тўловлар ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида табиий ресурслардан фойдаланишни солиққа тортиш одатда фойда солиғи ва табиий ресурслардан фойдаланганлик учун махсус солиқлар, яъни рента солиқлари сифатида ундирилади. Шунингдек, айрим хорижий мамлакатлар солиқ амалиётида табиий ресурслардан фойдаланиш ҳисобига юқори рентабелликка эришадиган хўжалик юритувчи субъектлар учун акциз солиқлари ҳам амал қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин республикамиз ҳудудидаги барча табиий, ер ости бойликлари давлатимиз тасарруфига ўтди. Ўзбекистон заминида жуда улкан ва ноёб, ҳали ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минерал хом-ашё ресурслари тўпланган.

Ўзбекистонда 100 га яқин, аниқроғи 95 турдаги минерал хом-ашёни ўзида мужассам этган 2700 та кон аниқланган. Амалда Менделеев даврий жадвалидаги барча элементлар республикамизда мавжуд ҳисобланади.

Қазиб олинган руда таркибидан, асосий фойдали қазилмадан ташқари, унга доир ставкалар белгиланган бошқа хом ашё ажратиб олинган тақдирда йўл-йўлакай олинadиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар солиққа тортиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 449-моддасига асосан солиқ тўловчилар бўлиб, ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олишни ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олишни (бундан буён ушбу бўлимда фойдали қазилмаларни қазиб олиш (ажратиб олиш) деб юритилади) амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни солиқ тўловчилари эътироф этилади.

Солиқ кодексининг 450-моддасига асосан, солиқ солиш объекти бўлиб фойдали қазилмани қазиб олиш (ажратиб олиш) ҳажми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019-2021 йиллардаги ижроси ҳақида тендецияси таҳлил қилинди.(1-жадвал)

Мазкур 1-жадвал маълумотларидан шуни куршимиз мумкунки, Давлат бюджети даромадлари 2019 йилда 112165 млрд.сўмни, 2020 йилда 132938 млрд.сўмни, 2021 йилда эса 164681 млрд.сўмни ташкил этган бўлса шундан ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи улуши 2019 йилда 19681 млрд.сўмни ёки

жамига нисбатан 14,8%ни, 2020 йилда 21257 млрд.сўмни ёки жамига нисбатан 16 %ни ҳамда 2020 йилда 23036 млрд.сўмни ёки жамига нисбатан 14 %ни ташкил этган. Бундан ташқари ушбу жадвалда Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни кўрсак чунки мазкур солиқ ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи энг юкори улушини ташкил этади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети 2019-2021 йиллардаги тенденцияси.⁶ (млрд. сўмда)

| Давлат бюджети даромадлари жумладан: | 2019 йил | | 2020 йил | | 2021 йил | | Тушум ўсиши (2021 й/ 2019 й) | | Тушум ўсиши (2021 й/ 2020 й) | |
|--|--------------|---------------------|--------------|---------------------|--------------|---------------------|------------------------------|--------------|------------------------------|--------------|
| | сумма | жамига нисбатан (%) | сумма | жамига нисбатан (%) | сумма | жамига нисбатан (%) | сумма | % | сумма | % да |
| | 112165 | 14,8 | 132938 | 16,0 | 164681 | 14,0 | 52516 | 146,8 | 31743 | 123,9 |
| Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи | 19681 | 14,8 | 21257 | 16,0 | 23036 | 14,0 | 3 356 | 117,1 | 1779 | 108,4 |
| Мол-мулк солиғи | 2360 | 1,8 | 1974 | 1,5 | 2457 | 1,5 | 97 | 104,1 | 483 | 124,5 |
| Ер солиғи | 2313 | 1,7 | 2387 | 1,8 | 4083 | 2,5 | 1770 | 176,5 | 1696 | 171,1 |
| Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ | 14693 | 11,1 | 16417 | 12,3 | 15812 | 9,6 | 1119 | 107,6 | -605 | 96,3 |
| Сув ресурсидан фойдаланганлик учун солиқ | 314 | 0,2 | 479 | 0,4 | 684 | 0,4 | 370 | 217,6 | 206 | 142,9 |

Хусусан, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи улуши 2019 йилда 14693 млрд.сўмни ёки жамига нисбатан 11,1%ни, 2020 йилда 16417 млрд.сўмни ёки жамига нисбатан 12,3 %ни ҳамда 2020 йилда 15812 млрд.сўмни ёки жамига нисбатан 9,6 %ни ташкил этган. Тушумнинг ўсишига эътибор қаратсак 2021 йилда 2020 йилга нисбатан -605 млрд.сўмни ёки жамига нисбатан 96,3%га камайган.

Бундан ташқари ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича даромадларнинг ўзгаришларни кўришимиз мумкин .

2021 йилда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича умумий тушумлар 23,0 трлн. сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2020 йил билан солиштирганда 1,8 трлн. сўмга ошган. 2021 йилда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича даромадларнинг асосий улуши аввалгидек 68,6 фоизи ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа тўғри келади. Мазкур солиқ бўйича

⁶ Жадвал муъалиф томонидан Молия вазирлигидан олинган маълумотлар таҳлил қилинган.

тушумларнинг асосий улуши (74 %) давлат улушларига эга бўлган тоғ-кон саноати корхоналарига тўғри келади. Бундан ташқари, 2021 йил 1 январдан олтин, палладий, кумуш бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 20 % дан 15 %гача пасайтирилганига қарамай, бир йилда тушумлар атиги 0,6 трлн. сўмга камайган. 2021 йилда олтин ва мис нархларининг ошиши, ишлаб чиқариш ҳажмларининг оширилиши, шунингдек миллий валюта курси динамикаси сабаб бўлганлиги кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2019-2021 йиллардаги ижроси бўйича 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2019-2021 йиллардаги ижроси тенденцияси⁷ (млрд.сўмда)

| Кўрсаткичлар | 2019 йил | | 2020 йил | | 2021 йил | |
|--|--------------|--------------------|--------------|--------------------|--------------|--------------------|
| | сумма | ЯИМга нисбатан %да | сумма | ЯИМга нисбатан %да | сумма | ЯИМга нисбатан %да |
| Ялпи ички маҳсулот | 529391 | х | 602551 | х | 734588 | х |
| Давлат бюджети даромадлари шундан: | 112165 | 21,2% | 132938 | 22,1% | 164681 | 22,4% |
| Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи | 19681 | 3,7% | 21257 | 3,5% | 23036 | 3,1% |
| Мол-мулк солиғи | 2360 | 0,4% | 1974 | 0,3% | 2457 | 0,3% |
| Ер солиғи | 2313 | 0,4% | 2387 | 0,4% | 4083 | 0,6% |
| Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ | 14693 | 2,8% | 16417 | 2,7% | 15812 | 2,2% |
| Сув ресурсидан фойдаланганлик учун солиқ | 314 | 0,1% | 479 | 0,1% | 684 | 0,1% |

Мазкур келтирилган 2-жадвал маълумотларидан шуни куршимиз мумкинки, Ўзбекистонда консолидациялашган бюджетининг 2019-2021 йиллардаги ижроси таҳлил қиладига бўлсак, Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи 2019 йилда жами 14693 млрд.сўмни, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,8%ни, 2020 йилда жами 16417 млрд.сўмни, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,7%ни, 2021 йилда эса 15812 млрд.сўмни, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,2%ни ташкил этган.

5. Хулоса ва таклифлар.

Мавзу бўйича ўрганишлар асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар

⁷ Жадвал муъалиф томонидан Молия вазирлигидан олинган маълумотлар таҳлил қилинган.

шакллантирилди:

1. Кам рентабелли конларни ўзлаштириш амалиётини кенг қўллаб, маҳсулот тақсимотига оид битмлар доирасида конларни муайян муддатга чет эллик инвесторга битим асосида бериш амалиётини бекор қилиш;

2. Фойдали қазилмаларни казиб олиш учун рухсатнома (лицензия) бериш тартибини ислоҳ қилиш;

3. Сочма конларда қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қидириш фаолияти учун солиқ имтиёзларини назарда тутувчи нормаларни Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқлаштириш;

Adabiyotlar/Литература/Reference:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Гафур Гулом нашриёт уйи 2020.- 640 б.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари. www.mf.uz.